

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДИРИЯТИМИЗ “АВЕСТО” БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ДЕМОКРАТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШДА МУҲИМ МАНБА

Хонкулов Ш., ФарПТИ ўқитувчиси

Маълумки халқимизнинг энг қадимги маданий ёдгорликларидан бири “Авесто” эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган бўлиб, унда қадимги даврларда мамлакатимиз ҳудудида яшаган халқларнинг табиий, илмий, маърифий қарашлари ифодаланган.

“Авесто”нинг “Яшта” қисмида баркамол шахснинг ахлоқ-одоб мезони сифатида учлик-Гумата-яхши фикр, Гунта-яхши сўз, Гвашта-яхши ишлар сифатида намоён бўлади. “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшилиқдан иборат, мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман” дейилади унда. Инсон фикри, сўзлари ва ишларига икки қарама-қарши куч (эзгулик ва ёвузлик) таъсир кўрсатади. Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ичида аслида эзгулик ва ёвузлик ётади. Аста-секин ахлоқий тушунчалар шахсий мазмун касб эта бошлайди. Масалан, “Яхши сўзлар деганда аҳдида турувчи, берилган сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлиш, қарзни тўлаб, ўғирлик ва талончилик қилмаслик, ўзгаларнинг молига қўз олайтирмаслик, бузуқликлардан ўзини тийиш тушинилган.

Эзгу кучлар ёвузликни қарши бўлган кучларга (Ёлғончилик руҳи) бошчилик қилган. Унга ёвуз фикр (Ако мақа) талончилик руҳи ёрдам берган. Ёвуз фикр- Ако мақада, ёвуз сўз –Друдшода ёвуз иш-Эшмада ифодаланган.

“Эзгу фикр” иборасининг мазмуни ўзида илохий қонун руҳидаги ишларга меҳрибон бўлиш, мухтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашга доимо тайёр туриш, кишиларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик дўстлик ва тотувликда яшашга интилиш руҳидаги ҳаёт ва фикрлар мусоффолигини акс эттиради.

Инсон фикран ҳам бошқаларга ҳасад қилмаслик лозим. Яхши ниятда киши дарғазаб бўлмайди. Чунки бундай руҳий ҳолатда инсон яхшилиқ ҳақида ўйламайди. Бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади.

“Фикр, сўз ва ишнинг бирлиги ибтидоий инсоннинг ажралмас хислати ҳисобланади”. Унинг онг, ахлоқ ва бошқалар хусусидаги тасаввурлар ўзи мансуб бўлган жамоа билан узвий боғлиқдир. Жамоанинг фикри унинг ҳам фикри, жамоанинг сўзи унинг ҳам сўзлари, жамоанинг ишлари унинг ҳам ишлари - уруғчилик жамиятининг муҳим белгисидир. Жамоанинг ҳар қандай топшириғини бажариш унинг аъзолари учун муқаддас қонун эди” – деб ёзади профессор Й.Жумабоев. “Авесто”ни яратган буюк аллома Зардушт ҳаёти давомида эзгу фикр, эзгу калом, эзги амалдан иборат учлик қонунини илгари сурди ва унга амал қилган. Ҳатто, инсон оламида сўнг марҳумлик фаолияти устидан ўтказилган ҳисоб-китоб вақтида унинг эзгу ва ёвуз амаллари махсус тарозида аниқланади.

Тарозининг бир палласига эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал - хайрли ишлар, бошқа палласида эса ёвузлик ва ёмонликлар асосланган ҳатти-ҳаракатлар қўйилади.

Эзгу амаллар салмоғи оғирлик қилса, марҳум руҳи юқорига учди ва жаннатга тушади, ёвуз ва ёмон ҳаракатлар қўйилган палла оғирлик қилса, чархга тушади.

“Авесто”да эзгу фикр, эзгу амал, эзгу калом ғоялари баркамол шахснинг етакчи сифати бўлиб ҳисобланади. Бу хислатларни шахсда шакиллантиришда тарбиянинг ролига алоҳида эътибор берилганлиги маълум. Тарбия, дейилади “Авесто”да - ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиши билан юксак поғонага кўтарилсин.”

“Авестода”да таъкидланишича, бола балоғат ёшига еткан муайян синовлардан ўтказилганда қуйдаги дуоларни ёддан айтган.

- Мен зардуштийлик динига содиқ бўлишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши ўйлар, яхши сўзларга ишонаман;
- Яхшилик ва эзгулик яратиш учун меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-нематлар яратиш лозим;
- Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзг ўй, эзгу сўз ва савоб ишни оқлайман;
- Ўзимни барча эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га яхшилик ишларамалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўз ёмон ишлардан юз ўгираман.
- Топингим ва мақтовларим, эзгу фикрим ва сўзим, (савобли) ишларим танамдаги жоним билан бирга сизларга, ўлим билмас валийлари.

Баркамол шахсининг яхши фикри эгаси бўлишига алоҳида эътибор берилган. “Яхши фикр илоҳий қонун руҳидаги, кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт - саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслақдан биродорлари билан дўстлик ва ҳам жихатликда яшашга интилиш руҳдаги ниятлар ва фикрлар мусоффолиги тушинилади. Инсон ўз фикри ҳаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатга берилмайди, чунки бундай ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унитади ва ножўя ҳаракатлар қилади”.

Баркамол шахс шакллантиришда таълимни ролига алоҳида эътибор берилган “Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар”. Инсоннинг бахт саодатга келтирадиган таълим – бу унинг эзгу, фикри эзгу сўз ва эзгу амал ўргатадиган таълимдир. Бунинг учун болаларни ёшлигидан ўқишга, ёзишга ўргатиш дунёвий ва диний билимлар бериш зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Баркамол шахс ёш пайтиданоқ меҳнат қилишга ўргатилган. Жумладан: мева кўчати ўтказиш, уй рўзғор курулларни яшаш, ерга ишлов бериш, чорва билан шуғилланиш ва ҳ.к ларни бажариш.

“Авесто”да меҳнат қилмайдиган одамнинг ачинарли аҳволини қуйдагича тасвирлаб ёшларга кўрсатилади: “Сен ҳақиқатдан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб абадул-абад бош эгиб туражаксан”.

Болаларни ёшлигидан сув, тупроқ, олов умуман дунёдаги жамийки яхши нарсаларни пок ва бус - бутун асрашга бурчли эканини ўргатиб борилиш лозим. Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларни бузган киши 400 қамчи уриш жазосига маҳкумдир.

Демак, “Авесто”да баркамол шахс эзгу фикр, эзгу амал ва эзгу сўз эгаси бўлиб, уни ёшлигида ўқишга, ёзишга ва меҳнат қилишга, атрофдаги барча нарсаларни асрашга қаратилган ғоялар илгари сурилган.

Адабиёт:

1. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихидан очерклар. -Т.: Ўзбекистон, 1980. 24-бет